



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 26 МАЙ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 108 (12.921)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЎЗ КАСБИНИНГ МОҲИР УСТАЛАРИ ТАНЛОВИ

Ҳар бир касбнинг ўзига хос томонлари бўлиб, унинг машаққатлари дош берган, қилгаётган ишига борлигини бахш эта олган одамгина меҳнатининг роҳатини кўради. Эл орасида обрў-эътибор топади.

Ҳар куни бевосита одамлар билан мулоқотга киришиш, уларнинг ишларини юридик жиҳатдан ҳал этиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари (ФХД) ходимлари ва давлат нотариал идоралари нотариуслари зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки бу жараёнда улардан юксак муомала маданияти ва етук малака талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар адлия асосида фаолият юритишни таъминлаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида «Касбим – фахрим» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Пойтахтимизда ташкил этилган навбатдаги танловда юксак натижаларни кўлга киритаётган тизим ходимлари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган изчил ислохотлар натижасида адлия идоралари фаолияти замон талабларига мувофиқ такомиллашгани таъкидланди. Бу фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга кўрсатилаятган юридик хизматлар сифати ва са-

марадорлиги ошишига замин яратди. Адлия органлари тизимидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ва давлат нотариал идораларида аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тизимда мавжуд бинолар капитал таъмирланиши билан бирга яна кўплаб янги бинолар ишга туширилди. Мухими, уларнинг барчаси замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Мазкур идораларда банк шохобчалари ҳам очилган бўлиб, бу аҳолига тўловларни жойида, терминал орқали тўлашда катта қулайлик яратган.

Амалиётда бу имкониятлардан унумли фойдаланаётган ФХД бўлимлари ходимлари аҳолига нафақат ҳуқуқий хизмат кўрсатиш, балки фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида ҳам самарали фаолият юритмоқда. Хусусан, йигит-қизларга оила тўғрисидаги қонунчиликнинг мазмун-маънасини етказиш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, жамиятда ўзига муносиб ўрин топишига қўмаклашишга қаратилган тизимли ишлар амалга ошириляптир. Бу жараёнда

“Ёш оила қурувчилар мактаби”га барча ёшларни қамраб олишга ҳаракат қилинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида бу мактабларда 1,5 мингга яқин амалий машғулот ўтказилиб, унда 55 мингдан ортиқ тингловчи иштирок этди.

Мамлакатимизда нотариуслар қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатлар ҳамда улар билан бевосита боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаб келмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида давлат нотариуслари томонидан 1,1 миллионга яқин нотариал ҳаракат расмийлаштирилиб, давлат хазинасига 77 миллиард сўмдан ортиқ бож ундирилди.

Танловда иштирокчилар жамоаларга бўлинган ҳолда сўнгги йилларда мазкур соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, касб одоби, муомала маданияти, қонунчилик тарғиботи йўналишлари ҳамда соҳанинг муҳим жиҳатларини очиб берувчи чиқишлар бўйича ўзаро баҳслашди.

Танлов якунига кўра, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек, Миробод ва Яшнобод туманларининг фаол ФХД ходимлари ва нотариусларидан иборат “Тўмарис” жамоаси ғолибликни кўлга киритди.

Ҳолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири
Темур Мамадаминов
олган сурат

САМАРАЛИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тошкентда “Парламент назоратини амалга оширишга доир ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари: Ўзбекистон ва хорижий давлатлар тажрибаси” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва Давлат бошқаруви академияси томонидан К.Аденауэр номидаги жамағи (Германия), ЕХТ-нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастури, Миллий демократия институти (АҚШ), Шанхай ижтимоий фанлар академияси (Хитой), Нагоя университети (Япония) ва Инха университети (Корея Республикаси) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Хусусан, Конституциямизда белгиланган ҳокимиятлар бўлиниши принципи асосида парламентнинг ролини ошириш ва фаолиятини такомиллаштириш, қонунчилик ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг марказ ва жойлардаги ваколатлари ва назорат вазифаларини кучайтиришга қаратилган демократик ўзгаришлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ушбу соҳада қабул қилинган йигирмадан ортиқ қонун мамлакатимизда парламент назоратини самарали амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлаётди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси парламент фаолияти самарадорлигини янада ошириш, унинг назорат вазифаларини кенгайтиришга муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ушбу концепция асосида ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, парламентга мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳуқуқи берилди. Бунинг натижасида қабул қилинган чора-тадбирлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари самарадорлигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўла таъминлаш, жойларда юзага келаётган долзарб масалаларни адолатли ҳал этишга қўмаклашмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ХУСУСИЙ МУЛКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси иқтисодиётда хусусий мулк улуши ва аҳамиятини ошириш, миллий корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш масаласига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Д.Ҳидоятлов, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини жорий этиш мулкчилик шакли тузилмасидаги ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ эканини таъкидлади. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда давлат объектларининг хусусийлаштирилаётгани самарасида янги мулкдорлар синфи шаклланди, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими яратилди.

Объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар самарасида саноат корхоналарининг аксарият қисми мамлакатимиз ва хорижий хусусий компаниялар ихтиёрига берилди. Бу қисқа муддат ичида етакчи тармоқларни нафақат қайта жиҳозлаш, балки иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш имконини берди. 2014 йилда 288 давлат активи хусусий секторга берилди. Жумладан, уларнинг 182 таси нолга тенг қийматда сотилди.

Тадбирда хусусийлаштириш жараёни такомиллаштиришга қарамасдан, иқтисодиётнинг айрим стратегик тармоқларида давлат улуши ҳамон мавжудлиги ва уларни бошқариш самарадорлигини ошириш масаласи долзарблигига қолаётгани қайд этилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши

ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Қарори шу ва бошқа вазифалар ижросига хизмат қилмоқда.

Мутахассислар таъкидлаганидек, ушбу қарор қисmini таъминлаш хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, хусусийлаштириш жараёнида қуқуқлаштириш ва корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улуши ва активларини хусусий инвесторлар, биринчи навбатда, хорижий сармоядорларга сотиш ҳисобидан иқтисодиётимизда хусусий мулкнинг ўрнини тубдан ошириш, ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш ва технологик янгилашни таъминлаш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконини беради.

Матбуот анжуманида иштирокчилар корпоратив бошқарув миллий тизимини такомиллаштириш масаласига ҳам эътибор қаратди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш самарасида айни пайтда мамлакатимизда мингдан ортиқ акциядорлик жамияти фаолият юритмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида 31 мингдан зиёд давлат корхонаси хусусийлаштирилгани ва бунинг натижасида 1,2 миллиондан ортиқ акциядор пайдо бўлгани қайд этилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда корпоратив бошқаруви ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Корпоратив бошқарувнинг асосий нормалари Ўзбекистон Республикасининг “Ак-

циядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”, “Қимматли қозғалар бозори тўғрисида”ги қонунлар ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2003 йил 24 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган.

Мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бугун юртимизда 90 дан ортиқ мамлакат капитални иштирокида ташкил этилган 4 мингдан зиёд корхона фаолият юритмоқда. Шунингдек, тўлиқ чет эл капитални ва корпоратив бошқарувнинг хорижий услубларига асосланган корхоналар ҳам мавжуд.

Президентимизнинг шу йил 24 апрелда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мантикий давоми бўлди. Ушбу ҳужжат тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиклиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш имконини беради.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофича жавоб қайтарилди.

(ЎЗА)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд вилояти Иштихон туманида ёш оилалар учун бунёд этилган “Қамолот” уйи фойдаланишга топширилди. Жорий йилда вилоятнинг яна учта туманида “Қамолот” уйлари қурилиши режалаштирилган.

● Наманганда “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида китоб байрами бўлиб ўтди.

● Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманидаги “Лочин” болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилаётган “Қамалак” болалар ташкилоти сардорларининг XIV республика анжуманида Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, турли иллатлардан асраш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

● Навоийда Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, таниқли rassom Нуриддин Калоновнинг “Нур чашмаси” деб номланган кўرғазмаси очилди.

● Нукусда “Юксак маънавиятли авлод” ёшлар фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

● Андижонда Ўзбекистон Бадий академияси ташаббуси билан истеъдодли rassom Султонбой Дехқоновнинг “Эҳтиром” деб номланган фотокўрғазмаси намоиш этилди.

● Наманганда тўқимачилик ва енгил саноат соҳасини ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш орқали ишлаб чиқариш ҳажми ва экспортини янада ошириш масаласига бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди.




● Хиндистоннинг Андхра-Прадеш ва Теланган штатларида сўнгги тўрт кун ичида ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиб кетгани мудҳиш оқибатларга сабаб бўлди. Ушбу ҳудудларда термометр кўрсаткичи +47 даражагача чиққан. Оқибатда 500 киши қурбон бўлди. Метеорологлар яқин кунларда аномал ҳарорат сақланиб туришини билдиришган.

● Мамонтлар аввал тахмин қилинганидек, ҳавонинг кескин совиб кетишидан эмас, балки номаълум вирус туфайли қирилиб кетган. Бундай фикрни канадалик олимлар илгари суришмоқда. Улар мазкур турдаги жонивор қолдиқларини энг замонавий технологиялар ёрдамида ўрганиш жараёнида номаълум вирусни аниқлашган.

● АҚШнинг бир қатор штатларида тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида сув тошқинлари юзага келди. Ушбу табиат ҳодисаси туфайли Техас ва Оклахомада икки минг киши ўз уйини вақтинча ташлаб кетишга мажбур бўлди. Уч нафар одам ҳаётдан кўз юмди. Мамлакатнинг Ўрта Фарб ҳудудидаги дарёлар ўзанидан тошиб чиқди, минглаб турар жойлар ҳамда автомобиль йўллари сув остида қолди.

Тўртинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

Кичик ҳалқа йўли ва Шота Руставели кўчалари чорраҳасида бунёд этилган замонавий кўприк қачон фойдаланишга топширилди?

Тошкент Кимё технология институти қошидаги академик лицейда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши томонидан «Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар республика танловининг туман босқичи ташкил этилди.

Танловлар

ЮРТ КЕЛАЖАГИ — ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Танловнинг саралаш босқичида туманда жойлашган таълим муассасаларининг 500 дан ортиқ иқтидорли ўқувчилари қатнашиб, «Архитектура ва дизайн», «Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар», «Анъанавий ва амалий санъат», «Адабиёт ва журналистика» йўналишларида ўз билим ва салоҳиятларини намойиш этдилар.

— Ўсиб келаётган ёш авлоднинг фаоллигини ошириш, иқтидор ва истеъдод соҳибларини юзага чиқаришда бу каби танловларнинг аҳамияти катта, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши раиси Ихтиёр

Зиёдуллаев. — Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда бош омил бўлаётганини таъкидлаш жоиз.

Танлов сўнггида натижалар эълон қилиниб, ғолиб ва совриндор ёшлар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шу билан бирга ғолиблар танловнинг Тошкент шаҳар босқичига йўланмани қўлга киритдилар.

Зиёда РАСУЛОВА

Кўргазмалар

КАШТАЧИЛИК НАМУНАЛАРИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Амалий санъат музейида «Тошкентим паллаклари» номли кўргазма очилди. Кўргазма экспозициясидан музей захирасида сақланиб келаётган уста ҳунармандлар томонидан яратилган ва Тошкент каштачилик мактабига хос бўлган «Ой палак», «Юлдуз палак», «Чойшаб», «Тогора палак», «Зардевор» каби каштачилик намуналари ўрин олди.

— Ўзбек миллий каштачилиги амалий санъатнинг энг қадимий турларидан ҳисобланиб, у халқимизнинг ўз турмушини гўзал қилишнинг натижасида юзага келган, — дейди Ўзбекистон Амалий санъат музейи директори Зухра Холиқова биз билан суҳбатда. — Ўтмишда ҳар бир ўзбек қизи ўнга яқин турли кашталар, сўзана-ларни ўз қўли билан тикиши ва янги келин бўлиб борадиган уйига сеп сифатида олиб бориши анъана ҳисобланган. Сўзана билан тўйхона ва келин хонаси безатилган. Бундан ташқари ўзбек хонадонини жиҳозлашда ва яратишда қўл каштачилиги намуналари кенг қўлланилган. Шунинг учун ҳар бир оила ўзи учун сўзана, чойшаб, кирпеч, дорпеч, ойнахалта, чойхалта, палак, гулкўрпа, бузжом, парда, белбоғ, дўппи ва бошқа буюмларни ўзига хос дид билан тайёрлаган. Асрлар давомида шаклланиб ўз услуби ва йўлига эга бўлган каштачилик санъати авлоддан авлодга мерос бўлиб бугунги кунгача сақланиб келмоқда.

Каштачиликнинг 11 та шаклланган мактаблари бўлиб, ҳар бирининг ўз характери, чок услуби, ранги ва бадий ечими мавжуд. Кўргазмани томоша қилар экансиз, ундан ўрин олган экспонатлардаги тасвирлар халқимизга хос урф-одатларнинг гулдastasи сифатида намоён бўлади. Ҳар бир асар ўзига хос услуб, ранг ва нозик безакларга йўрилган бўлиб, кишига маънавий озик беради.

Амалий санъат музейида ташкил этилган «Тошкентим паллаклари» мавзuidaги кўргазма халқимизнинг миллий ва маданий бойлигини тарғиб этиш, ёш авлод онгига сингдириш ва XIX-XX асрларда яратилган амалий санъат дурдоналари билан яқиндан танишишга кенг имконият яратди.

Кўргазма доирасида халқ бадийи жамолари хонадалари ижросида янграган дилрабо куй ва қўшиқлар, дилбар рақслар барчага манзур бўлди.

Гулнор САТТОРОВА

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ФАХРИЙЛАРИМИЗ СОҒЛИГИ МУҲОФАЗАДА

Давлатимиз томонидан истиқлол йилларида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилган фахрийларга юксак эҳтиром кўрсатилаётгани юртимизда инсон шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият даражасига кўтарилганининг ифодасидир.

Президентимизнинг 2014 йил 13 сентябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2015 йил 6 мартдаги «1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонлари кексаларга иззат-икром кўрсатишнинг янги истиқболларини белгилаб берди.

Мамлакатимизда нурунийларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш, соғлигини асраш ва мустақамлаш ҳамда ижтимоий муҳофазалаш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Олмазор туманидаги 15-оилавий поликлиникада ҳам Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шiori остида уруш қатнашчилари, ногиронлар, фронт орти меҳнаткашларини тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари амалга оширилди.

Замон талабларига жавоб берадиган тиббий-технологик жиҳозлар билан таъминланган поликлиникада малакали мутахассислар иштирокида 24 нафар уруш қатнашчилари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Туманда 10483 нафар пенсия ёшидаги фуқаролар мавжуд бўлиб, жорий йилда уларнинг режали асосда тиббий кўриқдан ўтказилиши режалаштирилган.

ган. Шу кунгача 3144 нафар пенсия ёшидаги фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилди, 1151 нафарининг саломатлиги яхшиланди ва соғломлаштириш жараёни кенг қўламада олиб борилаётган.

Поликлиникамиз қамровида ўн та маҳалла бўлиб, 43213 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди Олмазор туманидаги 15-оилавий поликлиниканинг бош шифокори Шахзода Турсиметова. — Аҳоли соғлигини яхшилаш, даволаш, касалликларга қарши курашиш ва олдин олиш мақсадида аниқ режага таянган ҳолда иш олиб бормоқдамиз. Айниқса уруш қатнашчилари ва фахрийларга тез, сифатли ва самарали хизмат кўрсатишмоқда. Мазкур тиббий кўрик ҳам фахрийларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг эркин ифодасидир.

Тиббий кўриқдан ўтиш баробарида отахон ва онахонларнинг саломатликларини касалхона шaroитида даволаш мақсадида йўлланмалар ажратиш ишлари ҳам йўлга қўйилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Realtor Garant Business» МЧЖ бошлангич нархи босқичи - босқич охири бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тахлил этади! Аукцион савдосига «Асака» ДАТ банки Тошкент вилояти филиалининг 25 май 2015 йилдаги №12/1908-сонли бюртоманомасига асосан «Асака» ДАТ банки Тошкент вилояти филиали балансидаги қўйидаги бино — иншоотлар битта мулкчи мажмуи сифатида савдоларга қўйилмоқда. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қипчоқ к.ф.й. худудиде жойлашган, 47 154,31 кв.м. ер майдониде жойлашган иссиқхона бино-иншоотлари, (эгаллик ҳуқуқи 21.11.2014 йилдаги ТО 0059222 — сонли гувоҳнома, кадастр рақами — 11-05-03-01-04-0801) ҳамда Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бўз-сув к.ф.й. худудиде 16,55 га ер майдониде жойлашган 10305,48 кв.м. иборат бино-иншоотлар, (эгаллик ҳуқуқи 04.05.2015 йилдаги ТО 0087628 — сонли гувоҳнома, кадастр рақами — 11-04-06-07-01-0006-0001)

Бошлангич нархи 5 900 000 000 сўм. Аукцион савдолари 2015 йил 29 июнь кўни соат 11.00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш мuddати — 7 йилдан ортиқ бўлмаган мuddат. Олдиндан тўлов объект реализация суммасининг камида 5% (фоизи) олди-сотида шартномаси расмийлаштирилган кундан 15 кун ичиде тўлаб берилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувига асосан қўлмас мулк бошлангич нархининг 5%дан кам бўлмаган миқдориде закалат пулини «Realtor Garant Business» МЧЖнинг ТИФ МБ Учтепа филиалининг қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: х/р:20208000204936050001, СТПР: 207125885, МФО 00918.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчиси талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган мuddатларда қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичиде сотувчи билан олди-сотида шартномаси имзоланган мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан қўлмас мулк учун тўловларни амалга ошириш мuddати олди-сотида шартномасида белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 13-хона. Тел: (93)379-91-04; (90)975-97-69; ичи 258. «Асака» ДАТ банки Тошкент вилояти филиали 120-84-04. Лицензия: RA0052

Бадий гимнастика

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ КЎРИГИ

Тошкент шаҳрида бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва «Happy Saravan – 2015» халқаро турнири якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Гимнастика федерацияси ҳамкорлигида Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида ташкил этилган мусобақаларда дунёнинг йигирмадан зиёд давлатидан юзга яқин гимнастикачи иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спорт изчил ривожланмоқда. Ёшлар ўртасида жисмоний тарбия, соғлом турмуш тарзи кенг қарор топтомоқда. «Соғлом она — соғлом бола» тамойили асосида қизлар спортга кенг жалб этилаётди. Бунинг учун барча шаҳар қишлоқларда зарур шарт-шaroит яратилмоқда.

Бундай эътибордан баҳра олиб улғайган ўғил-қизлар соғлом ва баркамол бўлиб вояга етмоқда, халқаро танлов ва мусобақаларда ҳеч кимдан кам эмасликларини исботламоқда.

Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабиде ўтган бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва «Happy Saravan» халқаро турнирида бу жиҳатлар яна бир бор намоён бўлди.

Уч кун давом этган мусобақаларда яққалиқлар ва гуруҳлар ўртасида кўпкураш ва алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича финал беллашувлари ўтказилди. Қизларнинг аргамчи, ҳалқа, тўп, булава ва тасма билан машқ бажариш бўйича юксак маҳорати, мусика ва ритмни яхши ҳис этиши, чаккон, нафис ва енгил ҳаракатлари муҳлисларга завқ бағишлади.

— Ўзбекистонда бўлганимдан, бадий гимнастика бўйича жаҳон кубогида қатнашганимдан хурсандман, — деди испаниялик гимнастикачи Наталия Гарсия. — Муҳташам спорт саройининг маҳобати ва муҳлисларнинг қўлиги мени ҳаяжонга солди. Мусобақа кескин ва муросасиз курашларга бой бўлди.

Бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Анастасия Сердюкова булавада машқ бажаришда бронза медал билан тақдирланди.

— Жаҳон кубоги босқичининг Тошкентда олтинчи марта ўтказилгани Ўзбекистонда бадий гимнастика ривожига қаратилаётган эътибордан далolat беради, — деди Италия гимнастика федерацияси вакили Грация Чарлитто. — Иштирокчиларнинг нафақат ўз иқтидорини намойиш этиши, балки маданий ҳордиқ чиқариши учун ҳам барча шарт-шaroит яратилди. Мамлакатингизга яна келиш, қадим ва замонавий шаҳарларингизни кўпроқ томоша қилиш, бағрикенг одамларингиз билан танишиш ниятидаман.

— Жаҳон кубоги босқичини юқори даражада, халқаро талабларга мос равишда ташкил этгани учун ташкилотчиларга алоҳида миннатдорлик изҳор этмоқчиман, — деди гимнастика бўйича Болгария терма жамоаси бош мураббийи Ина Ананиева. — Мамлакатингизда ёшлар камолотида катта эътибор қаратилаётгани, Ўзбекистон ёшларининг бу имкониятлардан унумли фойдаланаётгани диққатга сазовор. Спортчи қизларнинг келгусида янада улкан муваффақиятларга эришишига ишонаман. Ўзбекистоннинг гўзал табиати, халқинингизнинг бой ва ранг-баранг маданияти, санъатидан баҳраманд бўлганимиздан фойда хурсандимиз.

«Happy Saravan» халқаро турнирининг финал мусобақасида гимнастикачиларимиз муносиб иштирок этди. Сабина Тошкенбоева кўпкураш ва алоҳида гимнастика предметлари — аргамчи, тўп ва булава ёрдамида машқ бажариш бўйича жами тўртта бронза медал билан тақдирланди. Ҳалқа ёрдамида машқ бажарган Нуринос Усмонова ҳам ўрдини эгаллади.

— Бундай нуфузли мусобақада иштирок этишнинг ўзи бир ютуқ, — дейди С.Тошкенбоева. — Унда совриндор бўлиш эса катта бахт. Бу муваффақиятим мамлакатимизда гимнастика билан шуғулланиш учун яратилган кенг имкониятлар ва мураббийларимизнинг хизмати самарасидир. Келгуси мусобақаларда бундан-да юқори натижаларни қўлга киритишга ҳаракат қиламан.

Тантанали маросим гимнастикачи қизлар иштирокидаги бадий дастурлар билан якунланди.

Ноҳира МАНЗУРОВА, Жаҳоҳир ТОШХУҲАЕВ, ЎзА халқаро журналисти

Шайхонтоҳур туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, туман касабга уюшма кенгаши 20-мактаб директори Шаҳноза Шойсупова Қосимовнинг волидаи муҳтарамаси

НАЗИРА аянинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдирди.

Шайхонтоҳур туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, туман касабга уюшма кенгаши Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш шўъба мудири Абдуфаттоҳ Воҳидович Одиловнинг волидаи муҳтарамаси

МУКАРРАМ аянинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ 28-30 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, Тошкент шаҳрида 27 май кўни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик ҳар ҳаво муҳитида зарар бўлмайдиган. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — наст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин. Газета таҳририят компютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 555

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11298 нусхада босилди.

Қозғо бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга тошпирилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ